Ó'ZINGNI ANGLA!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

№ 7 (521)
2007-yil 14-fevral

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan · Chorshanba kunlari chiqadi · E-mail: hurriyat@mail.ru · http://www.hurriyat.uz

Ушбу сонда:

2 **Сурат ва сийрат**



Қиёфа илмининг билимдонлари ва донишмандлари одамнинг ҳар бир аъзосида яширинган яхши ва ёмон сифатларни идрок қилишга қодир бўлганлар. Ҳар кимнинг ташқи аъзолари ботин (ичкари)даги хоҳ яхши, хоҳ ёмон хулқларига далолат беради.

3 **Оқ уйини забт этиш учун "штурм"**



1988 йилги сайловда ғалабага эришган катта Жорж Буш ўз номзодини овоз бериш тадбирига бир неча ой қолгандагина илгари сурган эди. Ҳозир эса сиёсий етакчилар ҳали сайловга икки йилга яқин вақт бўла туриб ўз номзодларини эълон қилишни бошлаб юборишди.

4 **Тақдирдурур ул ёну бу ён...**



Бобур ижодиёти билан танишар эканмиз жуда ҳам қизиқ бир жиҳат ўзига жалб этадики, бу ижодкорнинг шахсияти билан боғлиқдир. У қатъиятли, жасур ва ҳақиқатпаноҳ инсон бўлган. Худди шу жиҳатлар нафақат "Бобурнома"да, балки "Девон"га мансуб шеърларида ҳам ўз аксини топган.

**HURRIYATга 2007 йил учун обуна йил бўйи давом этади.**

**Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!**

Нашр кўрсаткичи — 233

**Жараён**

# Сарҳисоб ва режалар

***Шу йил 12 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.***

***Давлатимиз раҳбарининг маърузасида кўзда тутилган мақсадларнинг изчил амалга оширилиши натижасида иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминлангани, инфляция даражасининг пасайгани, халқ турмуш даражасининг ошиш тенденциялари барқарорлашиб бораётгани ва бошқа ижобий ўзгаришлар қайд этилди.***

*Жумладан, 2006 йилда:*

- ялпи ички маҳсулот 7,3 фоизга ўсди.
- ишлаб чиқариш ҳажми саноатда 10,8, қишлоқ хўжалигида 6,2 фоиз ошди.
- инвестициялар 11,4, қурилиш-пудрат ишлари 12,8, хизмат кўрсатиш соҳасидаги кўрсаткичлар 19,5 фоиз ўсди.
- саноатда меҳнат унумдорлиги 1,7 марта ошди.
- саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 14,2 фоиз ўрнига 22,1 фоизни ташкил этди.
- ёқилғи-энергетика мажмуасини ривожлантириш, реконструкция ва модернизация қилиш учун 250 млн. доллар ҳажмидаги хорижий сармоя жалб қилинди.
- ўсиш суръати машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноатида 25,7, кимё ва нефть-кимё саноатида 19,6, озиқ-овқат соҳасида 28, енгил саноатда 20, ёғочни қайта ишлаш ва мебель саноатида 18, қурилиш материалларни саноатида 12 фоизга ошди.
- юридик шахслар даромадлари (фойда)дан олинадиган солиқ ставкалари 15 фоиздан 12 фоизгача камайтирилди.
- молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган капитал маблағлар ҳажми 3 млрд. 140 млн. АҚШ долларига тенг даражани ташкил этди.
- йил давомида Қўнғирот сода заводи, Тўполанг ГЭСи ишга туширилди.
- Арис-Ўзбекистон темирйўл тармоғи электрлаштирилди.
- умумий фойдаланишда бўлган 2400 км. йўл таъмирланди. 34 та кўприк қурилди.
- 666 та ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ҳисобидан 74 мингта фермер хўжалиги тузилди. Фермер хўжаликлари томонидан мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштиришга ҳамда уларни қайта ишлашга ихтисослашган қарийб 200 та агрофирма ташкил этилди.
- товар маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми 31,5 фоизга ўсиб, 2000 йилга нисбатан 2 мартадан кўпроқ ортди.
- ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси йил давомида



қарийб 2 млрд. АҚШ долларигача ўсди.
- барча тоифадаги ишчи-ходимларнинг реал иш ҳақи 36 фоизга ўсди.
- йирик саноат корхоналари билан кооперациялашиш негизида касаначилик натижасида 60 мингдан зиёд ишчи ўрни ташкил этилди.
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида қўшимча равишда 290 минг янги ишчи ўрни яратилди.
- 8 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 6 та академик лицей ва 70 минг ўринли 124 та касб-ҳунар коллежи қуриб фойдаланишга топширилди. 8,7 млрд. сўмлик ва 15 млн. АҚШ доллари миқдоридаги ўқув лаборатория жиҳозлари харид қилинди.
- 61 та янги мактаб қуриб фойдаланишга топширилди, 385 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 530 та мактаб эса таъмирланди.

***Шунингдек, Президентимиз маърузасида "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинган 2007 йилда амалга оширилиши мўлжалланган режалар ҳам баён этилди.***

Жумладан:

- ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,7, саноат ишлаб чиқариши 7,8, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 5 фоиз ўсиши таъминланади.
- иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга жалб этиладиган инвестициялар ҳажми 25,5 фоизга кўпайтирилади.
- даромад солиқ ставкаларини 12 фоиздан 10 фоизга, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 13 фоиздан 10 фоизга, шунингдек, ягона ижтимоий тўлов ставкасини 24 фоизгача камайтириш кўзда тутилмоқда.
- жами лойиҳага 450 млн. АҚШ долларига яқин хорижий ва маҳаллий инвестиция йўналтирилган Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темирйўли бўйлаб поездлар қатновини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.
- ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг улуши 45 фоизга етказилади.

***Бундан ташқари халқ хўжалиги ва ижтимоий ривожланишнинг бошқа соҳаларида ҳам халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган кўплаб халқпарвар режалар кўзда тутилган.***

**Хабарлар**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида давра суҳбати уюштирилди.***

## «Парламент ва ОАВ»

**МУХБИРИМИЗ**



Шу йил 16 январда матбуотда эълон қилинган янги таҳрирдаги "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонун жамиятнинг барча соҳаларида олиб борилаётган демократлаштириш жараёнларининг ажралмас тармоғи сифатида жиддий аҳамиятга эга. Қонун ОАВга янги имкониятлар уфқини очиши кутилмоқда. Давр кун тартибига қўяётган ҳар қандай вазифаларни амалга оширишнинг муҳим шарти эса қонунда акс этган ҳуқуқий асослар тўғрисида кенг ва батафсил ахборот бериш, уларни оммалаштиришдан иборат. Шу маънода ташкил қилинган ушбу давра суҳбати кўплаб фойдали мулоҳазаларга бой бўлди. Уни қўмита раиси ўринбосари Исмоил Саифназаров бошқариб борди.

Дастлаб сўз олган Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Жамолиддин Ҳакимов жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ОАВ га қўйиладиган талаблар, марказий ва маҳаллий матбуотнинг аҳволи, режалаштирилаётган ижобий тадбирлар ҳақида маълумот бердилар. Бугунги кунда республикамиз матбуотидаги манзарани умумий назардан ўтказганда турли-туман ҳолатларга дуч келиш мумкин. Бир томондан тармоқ газеталарининг кўпайгани, иккинчи тарафдан эса муассиси туман ҳокимлиги бўлган газеталарнинг аҳволидаги ранг-баранглик бу соҳадаги ривожланиш тенденцияларини умумлаштиришни тақозо қилади. Шу маънода парламент аъзолари билан амалиётчи журналистларнинг учрашуви анча фойдали бўлиши мумкин.

Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Олимжон Ўсаров янги таҳрирдаги қонуннинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумот берди, саволларга жавоблар қайтарди.

Фарғона вилоятидан ташриф буюрган меҳмонлар билан бир қаторда республика газеталарининг ходимлари, депутатлар иштирок этган давра суҳбатида Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими вакиллари, вилоят, туман ва шаҳар газеталари бош муҳаррирлари бугунги муаммолар ва истиқболдаги вазифалар ҳақида ўз мулоҳазаларини изҳор қилдилар.

Бу тадбир аслида бир ҳафтага мўлжалланган. республика матбуоти билан танишиш ва тажриба алмашиш тадбирининг дебочасидир. Энди фарғоналик ҳамкасблар Тошкентдаги турли ОАВ ларда бўлишади, таҳририятларнинг шароити, янги технологиялар билан танишадилар.

## Фаолият, муаммо ва вазифалар

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Хоразм вилояти бўлими ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Хоразм филиали ташаббуси билан Урганчда "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакат Конституциясининг 14 йиллиги муносабати билан қилган маърузасида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда ОАВ роли ва аҳамияти" мавзусида семинар ўтказилди.

Журналистлар ижодий уюшмасининг вилоят бўлими раиси, "Хоразм ҳақиқати" ва ""Хорезмский правда газеталари бош муҳаррири Юсуфбой Ибрагимов ОАВ ходимлари олдидаги бугунги вазифалар, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Хоразм филиали директори, иқтисод фанлари доктори, профессор Бахтиёр Рўзметов давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигининг асосий тамойиллари мавзусида маъруза қилди. Семинар доирасида "Бугунги матбуот: фаолият, муаммо ва режалар" мавзусида мунозара ўтказилди.

— ОАВ ни янада эркинлаштириш ва ривожлантиришда қонунларимиз такомиллаштирилмоқда, — деди семинарда иштирок этган Олий Мажлис Қонунчилик паталаси депутати Р. Зарипова, — ўйлайманки, мана шундай доирадаги учрашув, мулоқотлар ҳам матбуот олдидаги фаолиятимизни янги босқичга кўтаришда ёрдам беради.

**Шержон МАШАРИПОВ,**
"Хива тонги" газетаси муҳаррири

**Суриштирув**

# Судлашиб чарчамаган банда

*Ҳаммаси нимадан бошланди? Аудиторнинг ўз касбига садоқати, текшириш бўйича аниқланган жуда кўп миқдордаги ўзлаштириш ҳолатларини босди-босди қилмаганидан. Кимларнингдир билиб-билмай яқинлари айбини очганидан. Бўлмаса олам гулистон эди. Аудитор Зоирбой Худойқулов ва у раҳбар бўлган "Холис-таҳлил" аудиторлик фирмаси ходимлари бунчалик сарсонгарчиликка дучор бўлишмасди.*

**Набижон БОҚИЙ**

* * *

Баҳодир Қаландаров 11 ой давомида 2001 йил августдан 2002 йил июлгача Қўшкўпир тумани умумий овқатланиш корхонаси бошлиғи эди. Қушкўпир туман прокуратурасининг 2002 йил 25 июлдаги талабномаси ҳамда "Ҳужжатлик тафтиш ўтказиш ҳақида"ги қарори, иш режа топшириғи билан Хоразм вилоят ҳудудий ҳиссадорлик жамиятига қарашли корхонасида тафтиш ўтказиш "Холис-таҳлил" аудиторлик фирмаси бошлиғи З. Худойқуловга юклатилади. Аудиторлик фирмаси вилоят "Матлуботсавдо" жамияти қошида фаолият юритади. Прокуратура талабномасида ҳам мазкур тафтиш учун белгиланган тафтиш ҳақини умумий овқатланиш корхонасидан ундириш белгиланган.

Қисқаси, аудиторнинг принципиаллиги боисдан мазкур тафтиш натижасига кўра корхона раҳбари Б. Қаландаров ва бошқа масъул ходимлар суд ҳукми билан 2002 йил 9 декабрь куни жазога тортилдилар. Улардан корхонага етказилган жуда кўп микдордаги зарар суммалари суднинг ҳукмидан кейин ундириб олинади.

Б. Қаландаров амнистия туфайли қамоқдан чиққач, 2003 йил 11 декабрь куниси Республика Адлия вазирлигига арз қилади. Адлия вазирлиги эса аризани ўрганиш учун Хоразм вилоят адлия бошқармасига жўнатади. Вилоят адлия бошқармаси шу юзасидан 2004 йил 14 февралда вазирликка маълумотнома жўнатади. Вазирлик эса гўёки аудит қонунини бузган деб топиб, аудиторнинг малака сертификатини бекор қилишгача бўлган таъсир чораси кўриш ҳақида Молия вазирлигига тақдимнома киритади. Мазкур тақдимномага вазирликнинг бошқарма бошлиғи Д. Матрасулов имзо чеккан...

Б. Қаландаров бир вақтнинг ўзида Республика Бош Прокурорига ҳам шу мазмунда ариза жўнатади. Прокуратура аризани ўрганиб, 2004 йил 29 январида аризагўй Қаландаров Б. га юборган жавоб хатида "аризани асоссизлиги туфайли оқибатсиз қолдирилгани" ёзилган.

...Ўтган даврда З. Худойқулов Адлия вазирлиги тақдимномаси нотўғрилигини исботлаш учун пойтахтдаги қатор фуқаролик ва хўжалик суд инстанцияларида умри ўтди. Унга лицензия қайтариб берилди. Адолат чала тикланди...

***Бир қарашда Б. Қаландаров кимларнингдир маслаҳати ва топшириғи билан чўрткесар аудитдан "қасос" олаётгандек туюлади. Сабаби...***

Аммо масаланинг бошқа томонлари ҳам бор. Б. Қаландаров ҳақ бўлса, нимага юқори суд инстанцияларига ариза ёзиб, ўзининг айбсизлигини исботламади. Негаки, мазкур суд ҳукми ҳамон кучда.

Бир қарашда Б. Қаландаров кимларнингдир маслаҳати ва топшириғи билан чўрткесар аудитдан "қасос" олаётгандек туюлади. Сабаби...

* * *

Қўшкўпир туман ҳокимининг 2004 йил 6 декабрда Хоразм вилоят ҳокимига ёзган хатидаги сатрларни қаранг: "Агар... З. Худойқулов инсон тақдирига енгилтаклик билан қараб, кўркўрона хулоса қилмаганида Б. Қаландаров қамалмаган ва шунча миқдорда моддий ва маънавий зарар кўрмаган бўларди..."

Қўшкўпир туман ҳокими бу даврда Б. Қаландаровга суд томонидан белгиланган асосий жазо муддати ва қўшимча жазо муддати ўтмасдан, Қўшкўпир туман ҳокимиятининг 2004 йил 23 апрелдаги № 1/5-125 сонли тавсияномасига асосан, туман тадбиркорлар палатасига раис лавозимига тайинланган. Тўғри, суд қарори би-



лан Б. Қаландаров бир йил 6 ой масъул вазифада ишлаш ҳуқуқидан қўшимча жазо сифатида маҳрум қилинган. Бир корхонада катта ўзлаштиришлар содир қилган раҳбарни қисқа муддатда тағин бошқа масъул лавозимга тайинлаш ортида нима бор?..

Энди яна бир ҳужжатни ўқинг: "Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди судьяси М. Салиҳовага. Хоразм вилоят Қўшкўпир туман прокурори томонидан 25 май 2006 йилда Қўшкўпир тумани Ш. Рашидов кўчаси 2-уй, 6-хонадонда яшовчи Қаландаров Баҳодир Бердиевичга нисбатан ЎзР ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми "б" "в" "г" бандлари билан жиноят иши қўзғатилган бўлиб, иш бўйича айбланувчи Б. Қаландаров терговдан яширинганлиги сабабли уни топиб келтириш мақсадида 26 июнь 2006 йилда қидирув эълон қилинган. Терговчи, адлия маслаҳатчиси С. Абдуллаев".

Юқоридаги модда ҳам айнан Б. Қаландаров биринчи бора 2002 йилда содир қилган жиноий хатти-ҳаракатларининг эгизаги. Баҳодир Қаландаров Қўшкўпир туман ҳокимининг аралашуви билан раҳбарлик лавозимига тайинланмаганида, такрорий жиноят содир қилинмаган бўлар эдими?

* * *

2004 йилнинг 20 сентябрь куни Ҳонқа шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Шоназар Хўжаниёзов тегишли органларга "чақув хати" жўнатади. Ушбу "чақув хати"да гўёки фуқаро З. Худойқулов диний даъват билан ёшлар миясини заҳарлаётганмиш... экстремистик варақа ва китоблар тарқатаётганмиш... Қўшкўпир туманидаги савдо ташкилотида жиноят содир қилиб қочиб юрганмиш... каби куракда турмайдиган гаплар битилган. Ш. Хўжаниёзов ушбу хатга ўзи бош бўлган идора муҳрини ҳам босиб имзолаган.

*Давоми 2-бетда.*

***Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон-Ҳиндистон алоқалари ҳар томонлама ривожланиб бормоқда. Буни бугун деярли барча соҳаларда кузатиш мумкин. Миллий матбуот марказида Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги ва саноат тараққиёти илмий тадқиқот маркази бош директори Рашпал Мальхотра раҳбарлигидаги делегация аъзоларининг мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган матбуот анжуманида бу эътироф бот-бот такрорланди.***

## Меҳмонлар МММда бўлишди

**МУХБИРИМИЗ**

"Эйжн Эйдж" миллий газетаси ва "Деккан кроникэл" маҳаллий газеталари бош муҳаррири, таниқли журналист ва сиёсатчи Мубашар Жавед Акбар билан журналистларнинг мулоқоти қизғин ва самимий кечди. Меҳмонлар Ўзбекистонда кўрган-кечирганлари, таассуротлари билан ўртоқлашдилар. ОАВнинг мамлакат тараққиётидаги ўрнига юксак баҳо бердилар. Меҳмонларнинг эътироф этишларича, мамлакатимизда барқарорлик ва тараққиётни кузатиш мумкин. "Бу мақсадларимиз муштараклигидан далолат беради, — дейди Мубашар Жавед Акбар, — тинчлик ва тараққиёт тушунчаларини бир-биридан ажратиб бўлмайди: тараққиётга тинчликсиз эришиш мумкин эмас. Ўзбекистоннинг ўзига хос анъаналари бор. Бу унинг тараққиётига катта имконият яратади".

Нигоҳ

# Оқ уйни забт этиш учун “штурм”

АҚШда республикачилар ва демократлар ўртасида президентлик учун кураш бошланди

**АҚШ халқаро майдонда анчайин обрўсидан айрилиб, “халоскорлик” мавқеини йўқотаётган бир пайтда мамлакатда навбатдаги президентлик сайловига тайёргарлик жадаллашди. Жорж Бушнинг моҳир сиёсатчига хос бўлмаган пала-партиш ҳаракатлари ёки Ироқ, Афғонистон уруши туфайли мамлакат жуда катта йўқотишлар қилаётгани сабаб бўлдими, ишқилиб, Қўшма Штатлардаги сиёсатдонлар бу сафар сайлов кампаниясини жуда эрта бошлашди.**

**Собиржон ЁҚУБОВ**

Республикачилар


Жон Маккейн


Р. Жулиани

Демократлар


Барак Обама


Ҳ. Клинтон

АҚШда давлатни икки ҳукмрон партия — республикачилар ва демократлар идора қилади. Гарчи мамлакатда юзлаб кичик партиялар фаолият юритса-да, мана 200 йилдан ошдики, улар катта сиёсатга сезиларли таъсир кўрсата олмай келяпти. Одатдагидек бу гал ҳам президентлик сайловида ана шу икки йирик сиёсий гуруҳ рақобатга киришади. Ҳозирга қадар 10 га яқин номзод президент Жорж Бушнинг ўрнини эгаллаш ниятини очиқ-ошкора билдирди. Худо омонлик берса, сайловга қадар ҳали бундай номзодларнинг яна неча ўнтасини кўриш мумкин. Бироқ номзодлар қанча кўпаймасин, барибир улоқ халққа таниқли бўлган сиёсатчиларда кетади. Хусусан, аҳоли табиатан сиёсий номзоднинг ишига эмас, омма олдида чиқишига қараб баҳо берадиган Америка шароитида ҳар доим ҳам фаворитлар ғалабага эришган.

СЎНГГИ 6-7 йилда Америкага раҳбарлик қилган республикачилар партияси айни пайтда саросима ҳолатига тушиб қолган. Ўтган йилнинг ноябрида Конгресс учун бўлган сайловда демократларнинг мутлоқ ғалабага эришгани Жорж Буш етакчилигидаги партияга жуда катта зарба бўлди. Боз устига, Ироқ уруши туфайли партия аъзолари ўртасида юзага келган ички келишмовчиликлар кун сайин кучайиб боряпти. Ана шундай мураккаб бир вазиятда мамлакат президентлиги учун республикачилар томонидан икки етакчи сиёсатчи — Жон Маккейн ва Рудольф Жулиани номзоди кўрсатилган.

Вьетнам уруши қатнашчиларидан бири бўлган қария сенатор Жон Маккейн президент Жорж Бушга қарши кескин танқидий фикрлари билан танилган. Сенаторнинг гарчи битта партиядан бўлса ҳам, амалдаги президентга жиддий рақиблик кайфиятида экани бежиз эмас. 2000 йили — Америка ҳукумати тепасига Жорж Буш келган сайлов пайтида Маккейн республикачилар партияси етакчилиги учун қатъий курашган эди. Агар тақдирнинг инояти билан Жорж Бушга ўша пайтда омад кулиб боқмаганда, Оқ уй соҳиблиги Жон Маккейнга насиб этиши ҳам мумкин эди. Бундан 7 йил олдинги мағлубият аламини ҳали унутмаган сенатор навбатдаги сайловларга умид қилиб турибди. Бироқ Маккейн ҳар қанча таниқли сиёсатчи бўлмасин, республикачилар томонидан илгари сурилган иккинчи номзод — Рудольф Жулианининг соясида қолиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас.

НЬЮ-ЙОРК шаҳрининг собиқ мэри Рудольф Жулиани — Америка халқининг ёқимтой ва севимли сиёсатчиларидан бири. Жулиани ҳокимлик йилларида сўнгги вақтда шиддат билан ривожланаётган Осиё шаҳарлари олдида етакчилик нуфузини йўқотган Нью-Йорк обрўсини тиклади. Шаҳар аҳолиси ўртасида авж олган қашшоқликни бартараф этди. Бироқ Рудольф Жулианини Америка халқига манзур ва мақбул қилган асосий омил... 11 сентябрь воқеалари бўлди. 2001 йилда рўй берган ўша машъум кўпорувчилик ҳаракатларидан кейин асосий жабрдийдалардан бири бўлган Нью-Йорк шаҳри аҳолиси буткул умидсиз ва тушкун ҳолатга тушиб қолди. Ўз мамлакати ҳудудида уруш кўрмаган миллат даҳшатли портлашлардан ўзини йўқотиб қўйди. Ана шу оғир вазиятда Рудольф Жулиани гўёки миллат халоскори сифатида майдонга чиқди ва тиз чўккан шаҳарни яна оёққа турғизди.

Очиғи, агар 2004 йилги президентлик сайловида Рудольф Жулиани ўз номзодини илгари сурганда, ғалабага эришиши мумкин эди. Лекин Жорж Бушдан ҳам обрўси баландроқ бўлган сиёсатчи партиядоши фойдасига олдинги сайловдан воз кечди. Галдаги умумхалқ овоз бериш тадбирида эса Нью-Йоркнинг собиқ мэри республикачиларнинг ишонган тоғи бўлиб турибди.

ДЕМОКРАТЛАР ҳам рақибларидан ортда қолмаслик учун тарғибот-ташвиқотни ҳозирдан бошлаб юборишган. Амалдаги президентга мухолифатда бўлган партиядан ҳам икки асосий номзод кўрсатилган: Ҳиллари Клинтон ва Барак Обама.

Американинг собиқ биринчи рақамли хоними Ҳиллари Клинтон биринчи рақамли раҳбар бўлишга кўпдан бери ҳаракат қилади. Айни пайтда сенаторлик билан чекланиб турган хоним Американинг эски шуҳратини тиклаш тарафдори. Ҳ. Клинтон ҳам худди турмуш ўртоғи Билл Клинтон каби ўз сиёсий курсини “Америкага янгиланишлар керак!” деган шиор билан белгилаган. Охирги йилларда хотин-қизлар, болалар ва жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини муҳофаза қилиш борасидаги ишлари билан тилга тушган сенатор хоним Жорж Бушнинг халқаро муносабатлар, хусусан, Ироқ уруши борасидаги сиёсатини кескин қоралайди.

Иллинойс штати сенатори Барак Обама ҳам ўз сиёсий қарашларини амалдаги президент фаолиятига танқидий ёндашув асосига қурган. Сенаторнинг фикрича, Вашингтондаги сиёсий фаолият пул ва маълум гуруҳларнинг таъсири доирасига тушиб қолган. Шу боис ҳам, муҳим масалаларни тўғри ҳал қилиш имкони жуда ҳам чекланган. Обама ҳам қолган номзодлар каби агар Оқ уй “штурм”и муваффақиятли якунланиб, мамлакат президентлигига сайланса, бу тўсиқларни бартараф этиш, пойтахтда соғлом сиёсий муҳит яратишга ваъда берган.

САЙЛОВ ҳали бошланмасдан туриб ким ғалаба қозониши хусусида аниқ бир фикр айтиш қийин. Бироқ шуниси аниқки, демократлар ғалаба қилиш ёки қилмаслигидан қатъи назар, ҳар икки номзод номи ҳам мамлакат сайлов тарихида алоҳида саҳифага ёзилади: Ҳиллари Клинтон президентлик учун курашган илк аёл сиёсатчи сифатида, Барак Обама эса давлат раҳбарлиги сайловида иштирок этган биринчи қора танли фуқаро сифатида.

**1988 йилги сайловда ғалабага эришган катта Жорж Буш ўз номзодини овоз бериш тадбирига бир неча ой қолгандагина илгари сурган эди. Ҳозир эса сиёсий етакчилар ҳали сайловга икки йилга яқин вақт бўла туриб ўз номзодларини эълон қилишни бошлаб юборишди. Ҳаркалай, ўзи шундоқ ҳам таранг бўлиб турган сиёсий вазият янада мураккаблашяпти. Шунга яраша сайлов ҳам шиддатли курашлар билан ўтса ажаб эмас.**

Дараклар

## Шимолий Корея ядро дастурини тўхтатишга тайёр

***Пекин шаҳрида Шимолий Корея ядро дастури борасида ўтказилган олти томонлама музокаралар самарали якунланди. Расмий Пхеньян Йонбен шаҳридаги ядро объектларида ўтказилаётган тадқиқотларни тўхтатишга розилик берди.***



Бунинг эвазига Шимолий Кореяга бериладиган ёрдам ҳажми кўпайтириладиган бўлди. Хусусан, Ким Чен Ир раҳбарлигидаги мамлакатга АҚШ бир миллион тонна мазут ёқилғисини беради. Бундан ташқари, Қўшма Штатлар Шимолий Кореяни террорчи давлатлар рўйхатидан ҳам чиқариб ташлайди.

Музокаралар якунига кўра, Пхеньян ўз ядро объектларига халқаро кузатувчиларни қўйиш мажбуриятини ҳам олган. Келишувнинг биринчи босқичи шарти бўйича Шимолий Корея 60 кун давомида ядро реакторлари ишини тўхтатади. Иккинчи босқичда эса ядро тадқиқотлари бутунлай бас қилинади. Шундан кейингина мамлакат ваъда қилинган мазут ёқилғисини олиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, Шимолий Корея Хитой, Россия, АҚШ, Жанубий Корея ва Япония иштирокида ўтказилган олти томонлама музокаралардан 2005 йил якунида чиқиб кетган эди. 2006 йилнинг октябрида эса Шимол ҳукумати намойишкорона атом тадқиқотларини ўтказди. Шундан кейин БМТ Хавфсизлик Кенгаши расмий Пхеньянга қарши санкция қабул қилган эди.

## Нигерия CNNни сохтакорликда айблади

***Нигерия ҳукумати CNN телекомпаниясини янгиликларни сохталаштиришда айблади. CNN телеканали орқали Нигериянинг жанубий музофотларидан бирида 24 нафар Филиппин давлати фуқароси гаровга олингани тўғрисидаги лавҳа берилган эди. 20 январь куни эфирга узатилган телехабарда Филиппин кемасининг нигериялик босқинчилар томонидан қўлга олиниши тасвирланганди.***



Нигерия раҳбарияти фикрича, бу мутлақо асоссиз, уюштирилган хабардир. «Бу маълум сиёсий гуруҳлар томонидан уюштирилган фитнадир. Бизда ушбу шоуда қатнашган шахслар компаниялардан пул олишгани тўғрисида маълумотлар бор», дейди Нигерия ахборот вазири Фрэнк Нвеке.

Вазирнинг сўзларига кўра, CNN мухбири Жефф Коинэнж бу каби сохта лавҳаларни биринчи маротаба тайёрлаётгани йўқ. Америкалик журналист бундан аввал ҳам Нигерия фуқароларига пул эвазига айрим эпизодларда иштирок этишни таклиф қилган.

Жефф Коинэнжнинг ўзи бу айбларни кескин рад этди. Телекомпания ҳам лавҳа учун ҳеч қандай пул ўтказмаганини билдирди.

Саёҳат

# Жозибадор, мафтункор Хитой

**Жасур ЁҚУБОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси**

Хитой ўзига хос сирли, мафтункор давлат. Бу ерда турли ажойиботларни учратиш мумкин: Жанубий Хитойнинг иссиқ тропик ўрмонлари ва Тибет музликлари; Пекиннинг осмонўпар бинолари ва бамбук дарахтидан қурилган пастак уйчалари... Қадимий маданият ва фалсафа уйғунлашган бу манзаралар одамнинг диққатини жалб этмай қолмайди.

**Пекин.** Шаҳарнинг энг қадимий номи — “Цзи”. Эрамиздан аввалги 1045 йилда Пекин ўрнида Янь подшоҳлигининг пойтахти ташкил этилган. Эрамизнинг 938 йилларида Ляо сулоласи Пекинни ўзининг 2-пойтахти қилиб белгилаган. Шундан сўнг 650 йил давомида Пекин Цзинь, Юань, Мин ва Цин сулолаларининг бош шаҳри бўлган. 1949 йил 1 октябрда Хитой Халқ Республикаси ташкил этилган ва Пекин унинг пойтахти қилиб белгиланган.

Пекинда 10,77 млн. аҳоли, 56 миллат вакиллари истиқомат қилади. Пекиннинг барча тарихий бинолари ўзининг бекиёс ҳашамати билан ажралиб туради. Шаҳарда қадимдан алоҳида-алоҳида бино қуриш одат қилинмаган. Иморатлар ҳар доим қўшимча қатор-қатор биноларни ўз ёнига олган. Яъни бир неча бинолардан ташкил топган ансамбль қадимий Хитой меъморчилик санъатининг ўзига хос жиҳати ҳисобланади.

**Гугун музейи** (императорнинг қишки саройи). Пурпур ёпиқ шаҳри деб номланадиган бино Пекин марказида жойлашган. Ёпиқ шаҳар Хитойнинг энг катта меъморий музейидир. Гугун музейи 1420 йили Мин сулоласи даврида бунёд этилган. У 14 йил давомида қурилган бўлиб эни шарқдан ғарбгача 760 м, жанубдан шимолгача 960 метрдир. Саройда 9 мингга яқин хона бор. Тўрт томондан 10 метрли девор билан ўралган. Марказий чизиқ бўйлаб лабиринт усулидаги саройлар жойлашган. Ташқи дунёдан ажралган, лекин бой ва қаттиқ қўриқланадиган шаҳар бўлган. Маконда император, унинг аёллари, катта-катта амалдорлар яшаганлар.

**Ихэюань парки** (императорнинг ёзги саройи). Баланд бўлмаган тоғ ва тепаликлар, қалин ўрмонлар, кўпгина кўлларни ўз ичига олган иссиқ пайтларда дам олиш учун мўлжалланган. Саройда жойлашган машҳур кўприк шарқий дамбанинг жанубий томонини Наньхудао ороли билан боғлаб туради.

**Буюк Хитой девори.** Оламнинг мўъжизаларидан бири бўлган деворнинг бир қисми Пекиндан 45-50 км нарида жойлашган. Буюк Хитой девори 2000 минг йиллик тарихга эга, Эрамиздан аввалги 221 йилда император Цинь Ши Хуан давлатни бирлаштиргандан сўнг, қўшни қабилалардан ҳимояланиш мақсадида Хитойнинг шимолий ва шимолий-ғарбий қисмида узун девор қуришни буюради. Бир неча йиллар минглаб одамларнинг меҳнати эвазига Буюк девор қуриб битказилган. Унинг узунлиги 6000 км. ни ташкил этади. Девор устида ёнма-ён 5-6 та чопар ўта олган. Деворнинг тепа қисмида 2 метрли душман кузатув жойлари бор.

**Осмон ибодатхонаси.** Бутун дунёда машҳур бўлган иморат Хитой меъморчилигининг бир неча асрлар илгари қанчалик юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради. Мин (1368-1644) ва Цин (1644-1911 йиллар) сулоласи даврида ибодатхонада императорлар ибодат қилишган.

Ўрнак

*Ёш авлодни комил инсон бўлиб етишуви, она-Ватанга садоқатли, юксак инсоний фазилатлар эгаси сифатида тарбияланишида ўқитувчиларнинг хизмати катта. Айниқса, бошланғич синф ўқитувчилари болаларнинг илмига илк пойдевор қўядилар. Шу сабабданми, уларнинг юмушлари анча мушкул. Бугун биз тилга олмоқчи бўлган инсон ҳам ана шундай шарафли касб эгаларидан биридир.*

# «Энг яхши фан ўқитувчиси»

ана шу номдаги танловда Дурдона Қодирова ғолиб деб топилди

**МУХБИРИМИЗ**



Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси Дурдона Қодирова ўз фаолиятини 1993 йил мактабда бошлаган. Унинг ота-онаси ҳам аслида ўқитувчи бўлиб, Дурдона опа педагоглар сулоласининг давомчисидир. У таълим беришдан ташқари бошланғич синфлар услуб бирлашмасида раис ҳамдир. Унинг иш тажрибаси 2000 йил ўзи фаолият кўрсатаётган 9-мактабда, 2003 йил Юнусобод тумани халқ таълими бўлимида, 2005 йил Тошкент шаҳар Муаллимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида оммалаштирилган. Ўқувчиларнинг севимли устозига айланган Дурдона Қодирова дарсларни замонга ҳамнафас тарзда, янги педагогик технологиялар, кўргазмали қуроллар асосида олиб боради. Шунингдек, у “Совға”, “Янги алифбони ўрганамиз”, “Янги сўз — қалб кўзгуси” каби китобларга ҳаммуаллиф, муҳаррир, мусаҳҳиҳлик қилган.

Яқинда Дурдона опа ҳаётида яна бир воқеа рўй берди. Ўқитувчилар ичидан илғор, иқтидорли, ташаббускорларини аниқлаш мақсадида ўтказилган “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танловида иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллади ва республика босқичига йўлланма олди. Кўрик танловда пойтахтимиздаги 9 та тумандан ғолиб деб топилган номзодлар беллашдилар. Иштирокчилар ўз иш тажрибалари, яратган кўргазмали қуроллари, ноанъанавий дарс ишланмалари билан қатнашдилар ва тест синовидан ўтдилар. Шунингдек, Мирзо Улуғбек туманидаги 64-мактабда икки номинация: “Ноанъанавий дарс” ва “Тарбиявий соат дарси” бўйича қатнашишди. Дарс мавзуси аввалдан маълум қилинмаган бўлиб, бир кун аввал қуръа ташлаш йўли билан аниқланди. Дурдона Қодирова бунда она тили фанидан “Марсда дарс” ва тарбиявий соат дарсидан “Табиатни асраш ҳар бир инсоннинг бурчи” мавзусида дарс олиб борди.

Биз ижодкор ўқитувчини бу муваффақияти билан табриклаб, республика босқичида ҳам омад ёр бўлишини тилаймиз.

## Телефонда энг кўп гаплашадиган давлатлар



***Дунё миқёсида ҳар бир стационар телефонга беш, уяли телефонга эса 4 та фойдаланувчи тўғри келади. Европа мамлакатларида ҳар икки турдаги телефон воситаларининг 20 фоизи жамланган. Охирги йилларда Осиё мамлакатларида ҳам телефон хизматидан фойдаланиш кўрсаткичи ошди. Буни қуйида жадвалдан ҳам кўриш мумкин.***

**Стационар телефонлар миқдори бўйича дунёнинг энг етакчи давлатлари**

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Хитой** | 311 756 000 | **Бразилия** | 42 382 200 |
| **АҚШ** | 268 000 000 | **Россия** | 39 616 000 |
| **Ҳиндистон** | 67 285 000 | **Франция** | 33 870 200 |
| **Япония** | 58 788 000 | **Б. Британия** | 32 943 000 |
| **Германия** | 54 574 000 | **Ж. Корея** | 26 595 100 |

## Соатига ярим миллион доллар даромад

Дунё нефтни қайта ишлаш саноатида етакчи ўринда турувчи Royal Dutch Shell компанияси 2006 йилда 25,4 миллиард доллар даромад олди. Шу тариқа Англия-Голландия қўшма компанияси ўтган йилда соатига ярим миллион доллар фойда кўрган.

# Тадбиркор аёлларга кўмакдош

НHT........................

***Аёллар муаммоси ҳозирги пайтда ниҳоятда муҳим масалалардан ҳисобланади. Айниқса, бозор иқтисодига ўтиш босқичида ҳаётимизнинг кўплаб соҳаларида ўзига хос синов даври кузатилаётган бир пайтда аёлларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш эҳтиёжи кескин ошиб бормоқда. Айни пайтда уларнинг фаоллигини ошириш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Ўзбекистон «Тадбиркор аёл» уюшмаси Қўқон шаҳар бўлими шу каби масалалар билан шуғулланади.***

**МУХБИРИМИЗ**

Нодавлат нотижорат ташкилотига 1991 йилда асос солинган. 1994 йилнинг апрелида эса муассаса ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлган. Уюшма ўз атрофига бизнес ва ижтимоий йўналишдаги ташкилотлар вакиллари, врачлар, ўқитувчилар, тадбиркорлар, маданият ва санъат ходимлари, ҳуқуқшунослар — хуллас, ташкилот ғояларига ишонувчи ва қўлловчи барчани бирлаштирган.

Ташкилот амалга ошираётган асосий мақсад ва вазифалар бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аёллар ва ёшларда тадбиркорлик фаоллигини ривожлантиришга кўмаклашиш, ўз аъзолари ва мижозлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий, ахборот ва ўқув-услубий ёрдам кўрсатиш, вилоятдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигини мувофиқлаштиришдан иборат.

Уюшма ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни 3 та устивор йўналиш — «Аёллар», «Фуқаролик ташаббусларини қўллаб- қувватлаш» ва «Иқтисодиёт» дастурларини амалга ошириш орқали бажармоқда.



Бундан ташқари, ташкилот билан ҳамкорликда «Нодира» ўқув-маслаҳат маркази, «Мезон» ҳуқуқий маркази, Фуқаролик ташаббусларини ривожлантириш маркази, «Янги авлод» ёшлар маркази фаолият олиб бормоқда. Стратегик мақсадларни амалга ошириш, режа ва лойиҳалар ишлаб чиқиш, тадбирларни кенг ва самарали ўтказиш мақсадида ташкилот қошида Кўмак-маслаҳат кенгаши тузилган. Кенгашга халқаро ташкилотлар, ҳокимият ва бошқа давлат идоралари вакиллари жалб этилган.

Қўқон шаҳар «Тадбиркор аёл» уюшмаси малакали жамоага, замонавий технологиялар ва бой кутубхонага, ахборот тўплаш ва алмаштириш учун кучли алоқа воситасига эга.

Ташкилотнинг биринчи даражали вазифаси аёллар тадбиркорлиги, оилавий, кичик ва ўрта бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўлиб қолмоқда. Ўз фаолияти давомида уюшма ўнлаб аёлларга тадбиркорлик малакасини эгаллаш, ўз ишини бошлашда ёрдам кўрсатди.

Ўтган йиллар давомида Қўқон шаҳар «Тадбиркор аёл» уюшмаси аёллар ҳаракатини янада ривожлантириш, аҳоли ўртасида демократик тафаккурни шакллантириш, сиёсатда ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида нозик хилқат соҳибаларининг ўрнини ошириш борасида маълум тажриба тўплади.

Уюшманинг биринчи лойиҳаси 1996 йили амалга оширилган эди. Ўшанда уюшма томонидан 80 нафар хотин-қизларга бозор иқтисодиёти билимларини чуқур ўргатиш бўйича курслар ташкил этилган эди. Лойиҳа якунида қатнашчиларнинг аксарияти ўз бизнесини ташкил килди ва улар ҳозирга қадар ишбилармонлик соҳасида муваффақиятли ишлаб келмоқдалар.

1998 йили 200 нафар умумтаълим мактаблари ўқитувчилари амалий иқтисод бўйича ўқитилди. Бу эса ҳозирги даврда ўта муҳим саналган билимларни пухта ўзлаштиришга ёрдам берди.

«Аёллар учун янги имкониятлар» дастури хотин-қизлар ташкилотларини тузиш ва ривожлантиришга катта туртки берди. Ушбу лойиҳа доирасида уюшма ёрдами билан вилоятда 30 та хотин-қизлар масалалари билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари тузилди.

Қўқон шаҳри маҳаллалари ва вилоятнинг 8 та туманида аёллар ва болаларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўрганиш мақсадида ўтказилган тадқиқотлар натижасида кўплаб муаммолар аниқланди. Масалан, Қўқон шаҳар Давронбек маҳалласи аҳолиси ичимлик суви билан таъминланди, маҳаллага бошланғич мактаб биноси қуриб берилди.

Ҳозирги кунда фуқаролик ташаббусларини ривожлантириш дастури амалга оширилмоқда. Бу дастурни амалга татбиқ этиш минтақа аҳолисининг ижтимоий жараёнларга эътиборини оширишга, фуқароларнинг маънавий салоҳияти ва сиёсий дунёқарашини ўстириш, бир сўз билан айтганда, юртдошларимизнинг фуқаролик жамияти қуришда муносиб иштирок этишига ёрдам беради.

Уюшма томонидан тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, аёллар ва ёшларни бизнес юритиш малакасига ўргатиш бўйича бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Айниқса, Бешариқ, Ўзбекистон, Данғара туманларида тадбиркорлар учун ташкил этилган ўқув курслари, бизнес тренинг ва марказлар минтақа ишбилармонлари олдида турган муаммоларини ҳал қилишга яқиндан кўмаклашди.

Тадбиркорликни янада ривожлантириш йўлидаги лойиҳаларнинг амалий давоми сифатида ННТ томонидан «Олтин водий» кредит уюшмаси ташкил этилди ва 250 нафардан зиёд уюшма аъзоси кредит билан таъминланди. «Тадбиркор аёл» уюшмаси ўз аъзоларининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий савиясини оширишга алоҳида эътибор беради. Бу борада турли мавзулардаги семинар-тренинглар, бизнес-клублар, анжуман ва давра суҳбатлари ўтказиш яхши анъанага айланган.

***Уюшма томонидан амалга оширилаётган ишларнинг барчаси мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва юртимизнинг гуллаб-яшнашига қаратилган. Аслида Қўқон шаҳар «Тадбиркор аёл» уюшмасининг бош мақсади ҳам шу!***

**Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди.** *Лойиҳа: “Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни”.*

Сана

# Тақдирдурур ул ёну бу ён...



**Инсоният тарихида ўчмас из қолдирган сиймоларнинг тақдири ҳамма даврларда жуда қизиқарли бўлиб келган. Айниқса, у Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ каби шахс бўлса...**

**Мазкур зот нафақат бизнинг, балки жаҳон халқлари тарихи ва маънавиятида ҳам ўчмас из қолдирган, унинг номи тарих зарварақларидан муносиб ўрин олган. Бобур Мирзо Темурийлар шаън-шукуҳини сақлаган ҳолда Ҳиндистондай бир ўлкада ўз салтанатига асос солди. Бу салтанат бир неча аср давомида ҳинд ўлкасида ҳукмфармолик қилиш билан бирга, бу мамлакат тарихининг олтин саҳифаларини яратди, дейилса муболаға бўлмас.**

**Отабек ЖЎРАБОЕВ,**
**филология фанлари номзоди**

Ижодкор Бобур хусусига келинса, унинг қаламига мансуб "Бобурнома" XVI аср туркий насрнинг муҳташам намунаси бўлиш билан бирга, кўплаб нодир маълумотларни етказувчи тарихий; Марказий Осиё, Ҳиндистон ва Афғонистон халқларининг урф-одатлари ҳақида уникал фактларни берувчи этнографик; ўша давр ҳайвонот ва наботот олами хусусида хабар берувчи жуғрофий; бир қанча илмий муаммоларни Бобур назарида ҳал қилган илмий асар ҳамдир. "Мубаййин" асари эса ислом динининг беш асосий рукни ҳақида пухта маълумотлар берувчи ва уларни шеърий йўсинда тавсиф этувчи ноёб манзумадир. "Мухтасар" – Бобур Мирзонинг "Аруз ҳақидаги рисола"си бўлиб, унда Шарқ мумтоз поэзиясининг асосий унсурларидан бўлмиш аруз вазнлари ҳақида илмий асослар берилган. "Девони Бобур"да эса ғазал, маснуъ, рубоий, туюқ, қитъа, маснавий, муаммо ва фард жанрларидаги шоирнинг дилбар шеърлари ўрин олган.

Бобур ижодиёти билан танишар эканмиз жуда ҳам қизиқ бир жиҳат ўзига жалб этадики, бу ижодкорнинг шахсияти билан боғлиқдир. У қатъиятли, жасур ва ҳақиқатпаноҳ инсон бўлган. Худди шу жиҳатлар бу нодир шахснинг нафақат "Бобурнома"сида, балки "Девон"ига мансуб шеърларида ҳам ўз аксини топган дейишимиз мумкин.

Шоирнинг машҳур ғазалларидан бирига мурожаат қилсак:

***Ғурбатта ул ой ҳажри***
***мени пир қилибтур,***
***Ҳижрон била ғурбат манга***
***таъсир қилибтур.***

Яъни мусофирчиликнинг ғариблигида ўшал қамарсиймонинг ҳажри шоирни қаритди; у ўзини жуда сабрли ва иродали ҳисоб этарди-ю, лекин ҳижрон ва ғурбатдаги йиллар унга ҳам таъсир қилмай қолмади.

Бу ахир катта бир давлатнинг ҳукмдори ва улуғ ишларни амалга оширган шахс – Бобур Мирзонинг кўнгил изҳори эмасми?!

Фақат ўз-ўзига талабчан ва танқидий ёндашувчи одамгина бу тахлит "ёрила" олади. Атиги беш байт бўлган бу шарҳи ҳол услубидаги ғазалнинг давомида эса шоир тақдирга юкинади:

***Мақдур борича қилурам***
***саъйи висолинг,***
***То Тенгрини, билмонки, не***
***тақдир қилибтур.***

Яъни кучим борича сенинг висолингга эришиш учун саъй-ҳаракатимни қилабераман, аммо билмайманки, Тангрим менга нени тақдир қилиб ёзибдур.

Учинчи байтдан Бобур Мирзо ўз шахсий ҳаётидаги воқеликни аниқ баёнига ўтади:

***Тақдирдурур ул ёну бу ён***
***солғучи, йўқса***
***Кимга ҳаваси Санбалу,***
***татйир қилибтур.***

Яъни кишини дам у томон, дам бу томон сари йўллагувчи тақдирдир, агар шундай бўлмаса эди, (Ҳиндистоннинг) Санбал (деган жойи)га бормоқни ким ҳам ҳавас қиларди. Ахир ўша томон учирган айнан тақдирдир.

Фикримизча, шу ўринда Бобур Мирзо нафақат ўзининг, балки ўғли Муҳаммад Ҳумоюн тақдирига ҳам ишора қилмоқда. Чунки Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз шахсида ўғлининг тақдирини ҳам кўра билган инсон ва фарзандини жону дилдан севган ота ҳамдир. Воқеаларнинг тарихий ечими эса бизга айнан шу байтда Ҳумоюн Мирзо тақдири қаламга олинганига асос беради.

"Бобурнома"нинг ҳижрий 932 (милодий 1525) йил воқеалари баён этилган қисмида Бобур Мирзо 13.844.000 танга даромадга эга Санбал вилоятини кимга берганлигини қайд этади: "...Санбални дағи Ҳумоюнға иноят қилдим..."

Ушбу муҳташам асарнинг охирги қисми (936/1529 йил воқеалари)даги Бобур томонидан қаламга олинган сўнгги тарихий ҳодиса ҳам айнан Санбал билан боғлиқдир. Келинг, асарга мурожаат қилайлик:

"...Ва Муҳаммад Ҳумоюн, Санбалғаким, анинг жойгири эди, рухсат берилди. Олти ойгача анда эди; зоҳиран ани ер ва суйи хуш ёқмади. Иситма тутар экандур, бора-бора узоққа тортар. То онки биз эшиттук, фармон берилдиким, Деҳлиға келтуруб, Деҳлидин кемаға солиб келтурсинларким, ҳакими ҳозиқлар кўруб, дардиға даво қилсунлар. Бир неча кунда дарё йўли билан келтурдилар ва табиблар ҳар енча дору дармон бердилар, яхши бўлмади. Мир Абдулқосимким, улуғ киши эди, арзға еткурдиким, ушмундоқ дардларға дармон будурким, яхши нимарсалардин тасаддуқ қилмоқ керак. То инки Тенгри таоло сиҳҳат бергай. Мен кўнглумга келдиким, Муҳаммад Ҳумоюн(нинг) мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Мен ўзум тасаддуқ бўлайин, Худой қабул қилсун... Ва андин ўтубтурким, мен анинг бетоқатлиғини тоқат келтургаймен. Ўшал ҳолатга кириб, уч қатла бошидин ўргулуб, дедимким, мен кўтардим ҳарне дардинг бор. Ўшал замон мен оғир бўлдум, ул енгил бўлди. У сиҳҳат бўлуб қўпти. Мен нохуш бўлуб йиқилдим..."

"Бобурнома"нинг кейинги ўрнида Бобуршоҳ бутун "аёни давлат ва аркони мамлакатни чорлаб" Ҳумоюнга байъат қилдирганини, тахтни топширганини ва олдида бор кишилар ҳам уни қабул этганларини ёзади. Шундан сўнг Бобурнинг ўз тили билан битган воқеалар асарда тугайди ва номаълум котиб томонидан бир неча саҳифада Бобур Мирзонинг эзгу хислатлари, асарлари, фарзандлари ва замонасидаги унинг ҳомийлигида камол топган олиму фузалолар ҳақида хабар беради.

...Ўлимни бот-бот эслашдек тушкун кайфият Бобурдек ҳаётсевар шоир учун ётдек туюлади. Лекин Бобуршоҳ ҳаётининг баъзи дамларида шу кайфиятни кечирган. Худди шу онлик ҳолат унинг қаламига мансуб бошқа бир ғазалида ҳам акс этган. Мана ўша ғазалнинг бошланма байти:

***Ўлум уйқусиға бориб***
***жаҳондин бўлдум осуда,***
***Мени истасангиз, эй***
***дўстлар, кўргайсиз уйқуда.***

Бу ғазалнинг давомида ҳам айнан шу кайфият устунлик қилади.

Лекин юқорида таҳлили келтирилган ғазалда эса бу тахлит кайфиятдан кўра афсус-надомат оҳанги сезиларлироқдир. Фикримиз мақсади бўлган мазкур шеърни Бобур Мирзо умрининг сўнгги йилларида ёзган дейиш мумкин. Албатта, "Бу каби хулосага сабаб нима?" — деган савол ўринли.

Аввало, ғазалда ишора қилинган воқеалар, қолаверса, "ҳажри" "пир" қилган ва охирида узр сўралаётган "ёр"нинг кимлиги.

Ғазалнинг қофияларини ёдга олсак – пир, таъсир, тақдир, татйир, дилгир, тақсир. Мазкур сўзлар воситасида шоир жуда қизиқ ҳолату, лол қилувчи ажиб манзара чизади.

Биринчи байтда такрир санъатини қўллаб "ғурбат" ва "ҳажр" (иккинчи мисрада "ҳижрон" тарзида) асосли келтиради ва "қариликка" айнан шулар "таъсир" этганини изоҳлайди. Иккинчи байтда эса "тақдир"нинг ўртага тушишига сабаб, унинг банда сифатидаги қанчалик ҳаракатию Тангрининг ато этган насибаси ўринли келтирилган. Учинчи байтдаги "татйир" ҳам бежиз эмас. Чунки инсонни Санбалгами, бошқа ергами учиргувчи тақдир шамолидир. Тўртинчи байтдаги "дилгир"лик шунча яхшилигу кўнгил олишликдан кейин фойдага қолиб турса, бешинчи байтдаги йироқларда қолиб, ўлолмай тургани айнан "тақсир" (айб, гуноҳ)и бўлиб кўринади ва шунинг учун ёридан узр сўраши табиийдир.

Шоирнинг ҳаёт йўли билан ғазалдаги воқеликни қиёсласак, қаҳрамон яна Бобурнинг ўзи, воқеалар эса унинг умр йўли. Бобуршоҳ бутун умри давомида интилиб, жангу жадалларда шижоат кўрсатиб, фитнаю балоларни енгиб, дилдан куйиб, ёдлаб эслагани бу "ЁР" ким бўлди экан?

Албаттаки, иймонли бир мўъмин сифатида Бобур Мирзо Ҳақ Таоло висолидан ноумид бўлмаган ва уни кўп васф этган. Лекин зикр этилган ғазалдаги "ҳажри пир" қилган ёрни бу ўринда «ВАТАН» дея оламиз.

Биринчи байтда "ой ҳажри" ҳақида гап кетаётгани аён. Аммо Шарқ мумтоз шеъриятида кўплаб ғазал байтларининг ҳар бири алоҳида мазмун-моҳият касб этишини ва, албатта, Бобур Мирзо Ватанни ўзига хос равишда турли тимсолларда бериши мумкинлигини ҳам кўздан қочирмаслик керак. Агар мазкур ғазалнинг "шарҳи ҳол" эканлигини эсласак, бу жиҳат айнан таъкидланган мавзунинг Бобур назмида акс этганини кўрсатади.

**Балки Бобуршоҳ ўз ҳаёти давомида жуда кўп аламу изтироблар билан бирга фараҳбахш онларни бошидан кечиргандир. Бироқ шуни комил ишонч ва юқоридаги каби қалб мисраларига таянган ҳолда айтишимиз мумкинки, у бир лаҳза бўлса-да Она Ватан ёдини, унга қайтиш фикрини хаёлидан кетказмаган. Юқорида баҳоли қудрат таҳлил доирасига тортилган ғазал Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳнинг ана шу дард билан ёзилган энг сўнгги асарларидан бирибдир.**

Назм

# Баҳор шунча наҳот ҳурлигинг



**Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ**

## Ўнинчи қор

Ўнинчи қор ерни олмади,
Ёқса ҳамки тезкор, гупиллаб.
Осмонда ҳам сира қолмади
Баҳор эпкинига босиб лаб.

Яшилланди олам беҳадик,
Бодомларнинг қизил қўллари.
Кимнинг совчисидир билмадик,
Ҳеч кимга етмади гуллари.

Ўнинчи қор ерни олмади,
Ҳаволарда ёзиқ бисоти.
Умримиздан нима қолади?
Ўнинчи қор гўё исботи...

## Илтижо

Қишни чўзу баҳорни тўхтат!
Боқмай кетар текканда рухсат...

Чинқиради макрсиз бўрон,
Теграсида ухлаган армон.

Ғунчаларни идрок этаман,
Гуллар билан бирга кетаман.

Мард, покиза уйғонган ҳилқат
Баҳор билан бўлгим бор улфат.

Юрагимдан қорларни курат!
Етар зулмат, етар мусибат.

Тўхтат, Тангрим! Аёзни тўхтат!
Баҳорга бер мардона рухсат!

## Ибтидо

Энди бошлангандай наҳорим мани,
Жилмайиб забт этар баҳорим мани.

Дарёлар ёқалаб бодим елади,
Аршнинг теграсида додим елади.

Ранго-ранг чақмоқни хўплаб яшайман,
Видо сийратларин тўплаб яшайман.

Поклар, орасталар Аҳрорим мани,
Раҳмдиллик қилар Қаҳҳорим мани.

Сирларимни элга этмасдан ошкор,
Элнинг дардларини билдирар такрор.

Яйрар касод бўлиб бозорим мани,
Кутиб, телбаланар мозорим мани...

## Эски дафтар

Баҳор дафтарини варақлаб,
Гуллар саралайман ишонсанг.

Қуёш чиқиб келар чарақлаб,
Нурдан ясаб олган тилло най.

Боқий оятларнинг адоси
Замин — бобожоним тирилди.
Пистоқи майсаларнинг ридоси,
Кўнгил фариштаси эврилди.

Баҳор дафтарини варақлаб,
Эзғин илдамлайди қарғавой.
Чумчуқлар севинади чирқиллаб,
Сайхонга кетмоқдалар хойнаҳой.

Кўчага тушиб бордим бошяланг,
Зиёрат қилмоқчиман даламни.
Кўзимда жаранглайди турфа ранг,
Жуда ҳам соғиндим-ку онамни

Баҳор дафтарини варақлаб...

## Ҳукмдор

Баҳор — наҳот шунча ҳурлигинг?!
Ошкор этдинг барин бир кунда
Менинг телба, гўзал севгилим.
Турналардай қайтдим сургундан.

Маъсумлигинг етмас додимга,
Атиргуллар — қоним, порлади.
Лаҳза чақмоқ урди ёдимга,
Кўркли тоғлар жоним чорлади.

Қайда қолди афиф дурлигинг
Кўнглим излаб толдим очунда,
Олтин қамчи еган дулдулим –

Баҳор — шунча наҳот ҳурлигинг?!
Барин ошкор этдинг бир кунда
Менинг гўзал, телба севгилим...

## Ҳей одам!

Баҳор иси урган далаларни кез,
Сен ҳам одамсан-ку! Тириклигинг сез!

Чўққиларга термул кўзинг етгунча,
Қояларга тирмаш ҳолдан кетгунча.

Айлан сайхонларни, айлан боғларни,
Суҳбатга вақти йўқ энди зоғларни.

Булбул, ўзинг каби водийларда йўқ,
Унинг юрагини тешиб ўтган ўқ.

Нетонг, баҳор унга бўлибди юрак.
Сен ҳам баҳорга бор, кетма бедарак...

## ИБРАТ

***Кўп вақтда зиёдалик зиён келтиради. Масалан, бир қўлда олтита бармоқ бўлса, бу ортиқлик бўлмай, камчилик ҳисобланади.***

**ЗАМАХШАРИЙ**

Мулоҳаза

***Ҳалол, пок яшаб, фарзандларини ҳам инсон қадр-қиммати меҳнат ва фақат ҳалол меҳнат билан ўлчанишига ўргатган оила бошлиқлари жуда кўп.***

***Яқинда Сариосиё туманидаги иккита корхонада бўлдим. Қишлоқ қурилиш комбинатида 114 та ишчи бўлиб, шулардан 75 га яқини ўзбек ишчилари. Шарғун шаҳар ғишт заводида 96 та ишчи хизматчидан атиги 29 фоизи ўзбеклар экан. Корхона раҳбарлари маҳаллий ишчиларга муҳтож эканликлари, лекин билаги кучга тўлган йигитлар ўзларини енгил-елпи ишларга ураётганликларидан нолиб гапиришди.***

# Йигитлар

## йигитнинг ишини қилсин-да!

**Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ**

Шунда сомсапазу кабобпаз, пиво, сут, сақич, папирос, музқаймоқ, ҳатто ўсмаю сурма, қўйинки хотин-қизларнинг ички кийимларини сотишга ҳам тайёр, ишқилиб енгил даромад топсам-у, оғир меҳнатдан холос бўлсам бўлгани, дегувчи йигитлар кўз олдимга келди. Уларнинг баъзиларини яқиндан танийман. Оиласи, ота-онаси, турмуш тарзи билан танишман. Бугун мўмай пул топишга ўзини урган дангаса ёшлар осмондан тушганлари йўқ. Улар худди ўзларига ўхшаган ота-оналарнинг фарзандлари. Ота-онасининг эгри йўл билан топган пулига данғиллама уй-жой қуриб, енгил машина сотиб олганини, етти маҳаллага овозасини таратиб данғиллама тўй қилиб қиз узатиб, ўғил уйлантирганларининг гувоҳи бўлганмиз. Сархилини еб, қимматбаҳо кийимларнинг бирини ечиб, иккинчисини кийиб яшашга ўрганишган, тайёрга айёрлик руҳида вояга етиб, суяги қотган ёшларнинг меҳнат қилишга бўйни ёр берармиди?! Меҳнатсиз даромад, мўмай пул топишга интилиш боиси мана шундай носоғлом оилавий муҳитдир.

Бинобарин, маҳаллалар, хотин-қизлар кенгашлари қишлоқ фуқаролари йиғинлари, меҳнат жамоалари ўз фаолиятларини жонлантиришлари керак. Ибратли оилаларнинг ҳаёт тажрибасини оммалаштириш маъносида ижодий учрашувлар ўтказиб туриш лозим. Бу касб-ҳунар сулолалари шарафига бағишланадими, қайнона-келин мулоқотига доирми, қизлар даврасидаги панду насиҳатлармий, одобли ўғил-қизларни вояга етказган оқила онани шарафлашми — бари эзгуликка хизмат этади. Меҳнаткаш оқил ўғил-қизларни вояга етказган ота-оналар учун маҳаллалар, меҳнат жамоалари, мактаблар номидан раҳматномалар эълон қилиниб, махсус мукофотлар таъсис этилса жуда яхши бўларди.

Оила — фарзанд вояга етиб, мустақил турмуш йўлини танлашида бетимсол ҳаёт мактабидир. Бу бағрикенг дорулфунуннинг инсонга берадиган маърифати, таълим-тарбиясининг ўрнини ҳеч бир нарса тўлдира олмайди.

## Ўзбекнинг гапи қизиқ

***Меҳмонни узоқдан кўрган мезбон икки букилиб югурди.***
*(Қўшнилар ғийбати)*

***Стол устида шишалар салом бериш билан, пиёлалару қадаҳлар эса бўса бериш билан банд.***
*(Ўртақаш сўзи)*

***Ёмғирда ерга қапишган майсалар мағрур кеккаяди.***
*(Ҳикоядан)*

***Бозордаги нарх-навонинг осмонга сапчиганини эшитиб, аввал кўзойнакли эчкини кўргандай бақрайиб қолдим, кейин мих кириб ёрилган баллондек дамим чиқиб кетди.***
*(Камхарж эр ҳасрати)*

***Кавушини тўғрилаб қўювдик, икки қўли кўксида кетди.***
*(Ҳамкасблар суҳбатидан)*

***"Кўриниб туриш" мақсадида ёзилган асар муаллифини кўрсатмайди, аксинча кўмади...***
*(Мунаққид таъкиди)*

***Ит эгасига қараб илжайди.***
*(Ёш қаламкаш машқидан)*

**Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ**

Муносабат

# Айб — ҳамкасбларимизда

*Севимли ҳафталигимиз "Ҳуррият"нинг ўтган сонларидан бирида чоп этилган Ҳаким Сатторий қаламига мансуб "Туман газетаси керакми?" сарлавҳали мақолани ўқидим-у, мен ҳам бир журналист сифатида ундан жунбушга келиб, шахсий фикр-мулоҳазаларимни оқ қоғозга туширишни жоиз деб топдим.*

**Тўйчивой ДЎСМАТОВ,**
**"Паркент тонги" газетаси муҳаррир ўринбосари**

Аниқ эсимда, 1983 йил газетамизнинг навбатдаги сонида туман сут соғувчиларининг иш натижалари чоп этилди. Соат 10 лар чамаси эди. Райкомнинг биринчи котиби дағдаға билан муҳарриятимизга кириб келди. Қўлида газетанинг янги сони. Сут соғувчиларнинг иш натижалари устидан қизил қалам билан бўяб ташланган. "Қани айтинглар, қайси муттаҳам берди бу маълумотларни?" Биз истиҳола билан: "Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими мутахассислари берди", дедик. "Лаънат уларга, — деди. — Мен туманнинг шаънини кўтараман. Вилоятда байроқ оламиз деб жон куйдирсам-у, булар..."

Мен 24 йиллик журналистлик фаолиятим давомида бир марта ана шундай дағдағани кўрдим. Бу ҳам ўзига хос муносабат эди.

Эндиликда газетамиз вилоят миқёсида ададининг кўплиги жиҳатидан юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Хўш, бунга қандай эришиляпти? Биз эски босмахона фаолиятидан воз кечганмиз. Муҳарририят маблағи ҳисобига энг сўнгги русумдаги компьютер, скайнер сотиб олинган. Муҳарририят ўз "Нексия" автомашинасига эга. Муҳарририятимизда икки нафар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси ишлайди. Бир ходимимиз Олий Адабиёт мактабини тугаллаган. Яна бири эса Тошкент давлат педагогика университетининг филология факультетини тамомлаган. Мана шундай зўр малакали кадрлар жамланган жамоада ишлаш қанчалар фахрли. Фотомухбир ихтиёрида бир ярим миллион сўмлик энг сўнгги русумдаги рақамли аппарат мавжуд. Олинган расм шу дақиқанинг ўзидаёқ компьютерга узатиб берилади. Хоҳлаган суратларни танлаб қўйиш имконияти бор.

Лекин ҳамма жойда хўроз бир хил қичқиряптими дерсиз? Айрим туманларда газета эскича услубда чоп этилаётгани боис адади ниҳоятда кам. Собиқ шўро даврида вилоят партия комитетига туман журналистлари таклиф этилиб, семинарлар ўтказиларди. Ҳозир эса, Ҳамид Норқул таъкидлаганидек, фақат газета муҳаррирлари учрашяпти, холос. Уч-тўртта туман газетаси ижодкорлари бир жойга йиғилиб, йилда жуда бўлмаса бир марта университетларнинг журналистика факультетлари домлалари, тажрибали журналистлар иштирокида малака ошириш курслари ташкил этилса, айни муддао бўларди.

Аввалги вақтда муҳарририятлар ўртасида бир-бировига газета юбориб, тажриба алмашиш усули мавжуд эди. Ҳозир бу ҳам тўхтаб қолган.

Яна бир гап. Ҳозир туман газеталарида қалам ҳақи бериш масаласи чатоқ. У йўлга қўйилса, жамоатчи мухбирлар бироз рағбатлантирилса, газетанинг қиёфаси тубдан ўзгаради. Туман газеталарининг ўқишли бўлишини биз ҳам жуда-жуда хоҳлаймиз. Бунинг учун фақат ижод ва яна ижод, изланиш керак. Ҳар бир тумандан етук ижодкорлар, зиёлилар, олимлар етишиб чиққан. Биргина Паркент туманидан ўн нафарга яқин Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, йигирмага яқин фан доктори мавжуд, яқин йилларда икки нафар қизимиз Зулфия номидаги давлат мукофотини олди. Ана шулар билан тез-тез мулоқотлар, дилтортар гурунглар уюштираётганлигимиз боис газетани ҳамма орзиқиб кутади.

Туман газетасини ҳар томонлама қўлма-қўл бўлиши, обуначиларда қизиқиш уйғотиши бу кўп жиҳатдан бош муҳаррир фаолиятига боғлиқ. Бу борада биз бош муҳарриримиз, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоировни ҳеч тинч қўймаймиз. Албатта, обуна мавсуми тугагач, муштарийларни, жамоатчи мухбирларни бир тўплаб ҳар йили учрашув ўтказиш анъанага айланган. Ўтган йили




ҳам ана шундай анъана бузилгани йўқ. Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, хизмат кўрсатган артист Эркин Рўзматов ва бошқалар ташриф буюрган давралардан обуначилар ҳам бир кўнгил ёзишди. Буни ҳар бир туманда ўтказса фақат фойдали кечади.

*Бугун туман газеталари халққа жуда яқин туриши керак. Фақат рўй-рост таъкидлаш зарурки, бу ўринда қаламкашларнинг айби бор. Улар собиқ шўро давридаги кўрган-кечирганларидан, таассуротларидан батамом холи бўлмаяпти. Ҳолбуки, бугун замон ўзгача, фикрлаш ўзгача. Ўша даврларда ёзилган ҳар гектаридан фалон центрдан ҳосил олинди, деган гаплар ўқувчиларни қизиқтирмайди. Газетага лўнда, ишонарли, ҳаётий гап керак. Демак, газеталаримизнинг адади кам экан, бу хатоларни биз ўзимиздан излайлик.*

ÓZINGNI ANGLA!
HURRIYAT
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ
Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй.
Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72
Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233
Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ
Топшириш вақти — 20. 00 Топширилди — 19. 00
® — тижорат белгиси.
Буюртма — Г-151 Т: 4160 1 2 3 4 5